

# Ishonch

2019 йил 12 март • сешанба • № 33 (4162)

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



Фарғона вилояти

Бор бўл, оқибат!

Хоразм вилояти

## Қувончли кунлар шукуҳи

**Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Фарғона вилояти касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси ҳам бир қатор ишларни амалга оширмоқда.**



тақозоси билан бундан 22 йил аввал тизасидан олган жароҳати тўғрисида қўлтиқ-ёқсиз юра олмайди деган бўлиб қолди. Кўп қийинчиликларни бошидан ўтказди. Олти нафар фарзанди билан ижарама-ижара яшашига тўғри келди. Ижтимоий, маиший ҳаётини ўрганишга келган вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси вакилларининг ташрифи унинг дардида малҳам бўлди. Давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги тўғрисида кўп қаватли уйлاردан бирига кўчиб ўтди.

2 >



Маъмур қарор ижроси юзасидан айни вақтда ҳудуддаги кам таъминланган 475 нафар эҳтиёжман қўлларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди, 1330 та оила вакиллари маиший техника жиҳозлари, шунингдек, 114 нафар беморга соғлиғини тиклаш учун дори-дармон воситалари ва тиббиёт муассасаларида даволашни учун зарур маблағлар ажратилди. Яқинда Қўқон шаҳрида 5 нафар уй-жойга муҳтож, имконияти чекланган фуқарога янги уйлар қалити тантанали равишда топширилди. Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи 1 гуруҳ ногирони Рустам Ҳамдамов тақдир



Қорақалпоғистон Республикаси

Истиқлол йилларида қорақалпоқ халқи маданияти ва санъати ривожланишига юз тўтди. Замонавий театрлар, маданият марказлари, томошагоҳлар, музейлар, санъат ва мусиқа мактаблари барпо этилиб, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Янги бадиий ва концерт жамоалари ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси маданият вазири Қалбай Тўрдиев билан суҳбатимиз шу мавзуда кечди.

Сиз кутган мулоқот

## Маданият гўшаси – нафосат ўчоғи

– Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида воқеадаги маданият муассасалари фаолиятида қандай ўзгаришлар бўлмоқда?

– Вазириликимиз тасарруфидан урта давлат театри, иккита давлат музейи, Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон бўлини, «Айқулаш жулдызлари» миллий фольклор ансамбли, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Нукус филиали, иккита ихтисослаштирилган маданият мактаби, 22 та болалар санъат ва мусиқа мактаби, 16 та шахар ва туман маданият бўлими, кўзи ожизлар кутубхонаси, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш инспекцияси, бадиий экспертиза бўлими ҳамда 42 та шахар ва туман маданият бўлими қўшмадаги ашула ва рақс ансамбллари, халқ театрлари ва фольклор-этнографик жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг моддий-техник имкониятини яхшилаш, ижодий фаолияти учун шарт-шароит яратиш, санъат фестиваллари, танловлар уюштириш ва бошқа шу каби амалий ишлар маданият муассас-



саларимиз ишини янада жонлантираётган.

Вазирилик тизимидаги 58 та маданият маркази жойларда маданий хизмат кўрсатишнинг шарт-шароитини яхшилаш мақсадида томошабинлар, айниқса, ёшларимиз эътиборини тортган ҳар хил қизиқарли тадбирлар ўтказилаётган. Аҳолининг тилак ва истакларини эътиборга олган ҳолда турли тўғараклар ташкил этилиб, қизиқувчан, истеъдоди бор болалар жалб этилмоқда. Ҳаттоки чекка туманларимиз бўлган Мўйноқ, Амударё, Чимбой, Қўнғирот ва Тахтақўпирда фаолият кўрсатаётган маданият марказларимизда ишлар намунали йўлга қўйилган.

2 >

Сурхондарё вилояти

## «Ishonch» йўлланмаси билан Халқ кудратининг мангу илдизлари

Халқ оғзаки ижоди — инсониятнинг оламни англаш, уни ўзгариши ва ўзлаштириш йўлида кашф этган дастлабки яратилган. Унда муайян халқ тарихи, маданияти, қадриятлари, донишмандлиги — бир сўз билан айтганда, даҳоси ўз аксини топган. Эпик тафаккурнинг ноёб намунасига эга бўлган халқ ва миллатлар

сони унчалик кўп эмас. Не бахтки, халқимиз ҳам шу қаторда. Маънавий куч-қудратимизнинг мангу илдизлари, тириклик чашмалари бўлган халқ оғзаки ижодини ўрганиш, бахшичилик анъаналарини сақлаб қолиш ва янада ривожлантириш борасида мамлакатимизда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида»ги Президент қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқиши шубҳасиз. Ҳар икки йилда Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтайдиган маъмур фестивал маънавий хазинамизни бутун дунёга танитишга хизмат қилади.

3 >



2019 йилда 1 минг 576 нафар шароити оғир хотин-қизлар уй-жойлар, шу тоифага мансуб 13 минг нафардан зиёд қизлар иш билан таъминланади. Жорий йилда оғир ижтимоий аҳволда яшаётган, ногиронлиги бўлган 15 минг 282 нафар аёлга тиббий ёрдам кўрсатилади. Шу тоифага қирадиган 10 мингга

яқин хотин-қиз ногиронлик арачаси, эшитиш ва ҳаракатлини воситалари билан таъминланади. Бу рақамларда мамлакатимизда хотин-қизларнинг оғирини енгиб қилиш, уларнинг ҳаётини муаммоларини ечиш, орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўйба чикариш мақсади бўй кўрсатади.

Сурхондарё вилояти

## Олам шодликка тўлди

Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан байрам тадбири ташкил этди.

Унда тизимдаги бир гуруҳ фаол аёллар ўзларининг муносиб хизматлари учун вазириликнинг фахрий ёрлиғи ва мукофотлари билан тақдирланди. Бундан ташқари, ички ишлар тизимида ишлаб вафот этган ходимлар оила аъзоларига эсдалик совғалари топширилди. Ички ишлар вазириликнинг ансабли раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Учкун Тиллаев бошчилигидаги санъаткорлар байрам дастурини тақдим этиб, барчага хуш кайфият улашди.

– Уч минг икки юз нафар аъзони бирлаштирган ташкилотимиз вилоятда йирик бошланғич касабаси уюшмаси ташки-

лоти ҳисобланади, – дейди ички ишлар бошқармаси бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси расиси Ҳамидулло Абдуллаев. – Барча байрамларни жамоа бўлиб нишонлашимиз одатга айланган. Айниқса, тизим ходимларининг касабаси уюшмаси аъзоларига қабул қилиниши натижасида ходимларимиз ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, уларнинг маданий ҳордиқ олишларига имконият кўпайди. Бу борада тармоқ касабаси уюшмаси яқин кўмакчига айланди.

Алишер ТОҶИЕВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Сурхондарё вилояти масъул ташкилотчиси

Рақамларда акс этаётган истиқбол



# Қувончли кунлар шукуҳи

«1 – Хурсандчилигимнинг чеки йўқ, – дейди Рустам Ҳамдамов. – Бошланамиз йўқлиги учун бировларнинг уйларида салкам 20 йил ижарада яшадик. Шу давр мобайнида кўчмаган, яшамаган жойимиз қолмади. Бу айтмоққа осон. Давлатимиз раҳбарининг мен каби имконияти чекланган ва уй-жойга муҳтож одамларга кўрсатилган юксак эътиборлари, ғамхўрликлари туфайли кўнлим тоқдим. Илоҳим бундай хайрли ишларнинг бошида турган инсонларнинг умрлари узоқ бўлсин.

1 гуруҳ ногирони Жўраҳон Курбонова ҳам янги уй соҳибаларидан бири.

– Ҳаётнинг аччиқ қисмати сабаб икки оёғимдан айрилдим, – дейди Жўраҳон ая. – Бир ҳовлида 4 оила эди. Шунинг учун 1 хонали тор уйда мен, турмуш ўртоғим, 3 нафар фарзандим бирга яшагача мажбур эдик. Касаба уюшмаларининг жонкуяр инсонлари оиламизнинг яшаш шартини ўрганиб, уй-жой берилиши учун рўйхатга киритишди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан янги уйга кўчиб ўтдик. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига, касаба уюшмаларининг фидойи инсонларига миннатдорлик билдираман. Бу ҳаётимдаги энг қувончли кунлардан бири бўлди.

– Турмуш ўртоғимнинг вафотидан кейин икки нафар фарзандим билан акамнинг бир хонали уйида яшаб келатган эдик, – дейди Дилшодахон Бойма-

това. – Ҳали мактабгача таълим муассасасида фаррош бўлиб ишлайман. Топганим рўзгордан ортмайди. Бўйи етган қизим бор. Совчилар эшик қоқиб турибди. Ижтимоий аҳволимизни ўрганишга келган касаба уюшма вакиллари мингданминг раҳмат. Яхши инсонларнинг кўмаги, давлатимизнинг ғамхўрлиги сабаб барча шароитларга эга уйга кўчиб кирдик. Насиб қилса, тўйни янги уйда қиламиз.

– 15 йил давомида икки фарзандим билан укамнинг уйида яшаб келдим, – дейди Зулфия Пирматовна. – Укамнинг оиласи беш киши, биз уч киши икки хонали уйда яшадик. Айтишга ноқулай бўлса-да, укам уйда бўш хона йўқлигидан 20 ёшга тўлган фарзандини уйлантира олмаётган эди. Мана ёруғ кунлар келди. Президентимизнинг қарорига асосан менга уй берилди. Барча шароитлар бор шинам ва ёруғ хонадонда бу ишларни бошида турганларни дуо қилиб яшапмиз.

– Ҳаётимизнинг бундай ҳеч нарса етмас экан, – дейди янги уй соҳибаси Нозимахон Муҳиддинова. – Турмуш ўртоғим вафот этгач, икки фарзандим тарбиялаб бир ўзимга қолди. Фаррош бўлиб ишлайман. 13 ёшли Ёдгор ўғлим ногирон. Яшаш шартини ўта оғир эди. 14 йилдан буён олти ҳўжалик бир уйда яшардик. Давлатимизнинг эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бизга уй берилди. Мен каби кўнгли ўқис инсонларга қувонч улашиб, эртанги

кунга умид бағишлаган Президентимиздан миннатдорман.

Бу каби хайли ишлар Марғилон шаҳрида ҳам давом эттирилиб, 7 нафар уй-жойга муҳтож фуқарога уйлар топширилди.

– Мазкур хонадонларда барча шароитлар яратилган, – дейди Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марғилон шаҳар кенгаши раиси Зулфия Курбонова. – Ҳар бир хонадонга табиий газ, электр энергия, ичимлик ва оқова сув тармоқлари тортилди. Ошхона учун зарур бўлган анжомлар ўрнатилган.

– Уйим бўлишини бир умр орзу қилардим, – дейди II гуруҳ ногирони Гулнора Баннапова. – Бугун орзуларим ушадди. Уч фарзандим билан барча шароитлар яратилган уйда роҳат-фароғатда яшапмиз. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига, вилоят касаба уюшмаларининг инсонпарвар ходимларига каттадан-катта раҳмат айтаман.

Узоқ йиллар 4 нафар фарзанди билан дўкон омборхонасида яшаб келган Офтоб Жўраевнинг энди ҳавас қилгулик шинам уйи бор.

– Бугунгидай ҳеч қачон хурсанд бўлмаган эдим, – дейди у. – Айниқса, фарзандларимнинг боши кўкка етди. Давлатимизнинг яхшиликларига жавобан фарзандларимни юртимиз тарқатқилди ва фаровонлигига ўз ҳиссаларини қўшадиган инсонлар қилиб тарбиялайман.

Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан Учқўприк туманидаги ижтимоий кўмакка муҳтож инсонларнинг ҳам кўнглилари тоғдек кўтарилди. Жисмоний имконияти чекланган, уй-жойга муҳтож бўлган 7 та оилага янги уйларнинг қалити топширилди.

– Президентимизнинг ғамхўрликлари

туфайли уй-жойли бўлдик, – деди II гуруҳ ногирони Моҳирахон Кўчқорова. – Шу пайтгача ижарада яшаб келатган эдик. Барака топишсин, касаба уюшмаларининг жонкуяр инсонлари ижтимоий аҳволимизни ўрганиб, уй бериш бўйича дастурга киритишди. Кўп ўтмай орзуларимиз ушадди. Яна бир уй-жойга муҳтож фуқаро Ҳамидхон Сотволдиевага ҳам барча шароитларга эга хонадон тантанали равишда топширилди.

– Ҳаётимизнинг бундай ҳеч нарса етмас экан, – дейди у. – Ҳар бир уй-жойга муҳтож фуқарога уйлар топширилди. Бу менинг ҳаётимдаги энг қувончли кун.

– Одамларни рози қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланди, – дейди Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эркин Нуралиев. – Аҳолининг турли қатламлари, хусусан, ногиронлиги бор ва меҳнатга лаёқати чекланган, уй-жойга муҳтож фуқароларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. Мана шундай хайрли ва савобли ишларда касаба уюшмаларининг ҳам иштирок этаётгани бизни янада ғайрат-шижоат билан ишлашга ундамоқда.

Фарғона вилоятида уй-жойга муҳтож фуқароларга янги уйларнинг бойдаланишига топширилиши чинакам байрамга, қувончли тантананага айланиб кетди.

«1 – Театр – маданият ва маънавият ўчоғи. Бу муассасалар бугун мазкур вазифани қай даражада уйдаяпти?»

– Давлатимиз раҳбарининг маданият ва санъат соҳасини, ижодкорларни қўллаб-қувватлашга доир бир қатор фармон ва қарорлари театр жамоалари учун айни мудоао бўлди. Хусусан, 2017 йилда Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат музыкали театрига «академик театр» мақоми берилиши жамоани янги ижодий изланишлар сари илҳомлантирди. Театр сахнасида «Қирқ қиз», «Айжамал» балетлари, «Турмарис», «Ажиниё» опералари, «Едигей», «Иймон», «Бердақ»,

ган. Уларга 851 нафар ўқитувчи музыка ҳамда санъат сирларидан сабоқ бермоқда.

Ҳар йили музыка мактаблари ўртасида ўтказиладиган кўрик-танловларда иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаётган жамоаларимиз, иқтидорли ёшларимиз сафи тобора кенгайиб бораётди. 2018 йил 29 март ва 2 апрель кунлари Тошкент шаҳрида ташкил этилган болалар музыка ва санъат мактаблари ансамбллари республика кўрик-танловининг якуний босқичида Нукус шаҳридаги 12-болалар музыка ва санъат мактаби «Эстрада вокал» йўналиши бўйича 2-, Ҳўжайли туманидаги 5-болалар музыка ва

## Маданият гўшаси – нафосат ўчоғи

«Муҳаббат шамоли», «Танҳо юлдуз», «Гул олмаган гўзаллар», «Фарзанд ташвиши», «Ғариб ош», «Жамила», «Лувр ўрдаги» сингари теран мазмунли, юксак маънавий ва тарбиявий аҳамиятга эга молик спектакллар намойиш этилмоқда.

Бугун синчков томошабинни саёз сахна томошалари билан театрга жалб этишнинг асло илоҳи йўқ. Бу эса ўз-ўзидан бўладиган иш эмас.

Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрининг янги биносини очилиши муносабати билан «Дамас» автомашинаси, замонавий видеокамера ҳамда телевизорлар совға қилинди. Кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан ижодий жўмак тинимсиз изланишда. Театр репертуаридан жой олган спектакллар томошабинларга манзур бўлмоқда.

Мустақиллигимизнинг 27 йиллик байрами арафасида театр актрисаси Лиза Халқназарованинг «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига лойиқ топилиши, шак-шубҳасиз, театр жамоасининг ҳам меҳнатига берилган баҳодир.

Қорақалпоқ давлат кўғирчоқ театрида сахналаштирилган М.Бегимовнинг «Қирқ қиз» достони асосида сахналаштирилган кўғирчоқ спектакли Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика кўғирчоқ театрларининг аънавий фестивалида учинчи ўринни эгаллади.

Туман маданият бўлиmlари қрошидаги халқ театрлари ишида ҳам олға силжиш бор. Ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келинаётган Халқ театрлари фестиваллари якунида бунга ишонч ҳосил қилинмиш.

– Болалар музыка ва санъат мактаблари энди Маданият вазирлиги тасарруфидо фаолият кўрсатмоқда. Янги услубда барпо этилиб, жиҳозланган, барча керакли музыка асбоб-ускуналари билан тўла таъминланган замонавий мактабларнинг бугунги иш жараёни ҳақида нималар дейишингиз мумкин.

– Мамлакатимизда истеъдодли ҳамда иқтидорли болалар учун барча қулайликлар яратиб берилмоқда. Ихтисослаштирилган Нукус ва Эликкальва маданият мактаблари ҳамда 22 та музыка ва санъат мактаби бугун ана шундай истеъдодли болалардан 6834 нафарини қамраб ол-


санъат мактаби «Эстрада чолғу» йўналишида 3-ҳамда Нукус шаҳридаги 1-болалар музыка ва санъат мактаби «Рақс» йўналиши бўйича 3-ўринларни эгаллади.

Бундан ташқари, ўтган йилнинг 13-20 июль кунлари Қирғизистон Республикасидаги «Барчин» болалар дам олиш марказида «Иссиққул дўстларни чорлайди – 2018» широри остида ўтказилган этнокорнавалда Тахтақўприк туманидаги 17-болалар музыка ва санъат мактабининг 2 нафар ўқувчиси биринчи ва иккинчи ўринларга сазовор бўлди.

Жорий йилда Нукус шаҳри ва Ҳўжайли тумани ҳудудларида 2 та янги болалар музыка ва санъат мактабининг қурилиб, фойдаланишига топширилиши дастурга киритилган. Ҳар бири 150 нафар болага мўлжалланган санъат мактабларининг қурилишига 10 млрд. сўмга яқин маблағ ажратилди. Иқтидорли болаларга давлатимиз томонидан қаратилган эътибор ва ғамхўрликнинг нақадар юксак эканини ушбу мисолдан ҳам кўриш мумкин.

– Бугунги қорақалпоқ кўшиқчилиги санъатида эътиборга молик жиҳатлар жауда кўп. Лекин мазмунан саёз, кун сайин бачканашиб бораётган кўшиқларни ҳам назардан қочириб бўлмайди. Ушбу салбий жиҳатлар Ж.Шамуратов, Қ.Қайратдинов, А.Шамуратов, О.Худойшукуров, Д.Қайиповлар каби санъатимиз дарғалари мустаҳкам пойдевор қўйиб кетган соҳа обрўсига путур етказмаётганмикин?

– Хавотир жўяли. Санъатимиз обрўсига путур етказадиган бундай ҳолатларга фақат соҳа вакиллари саъй-ҳаракати билангина барҳам бериш қийин. Бу борада манфаатдор ташкилотлар, кенг жамоатчилик, яъни мухлислар ҳамкорлиги яхши натижа беради. Албатта, маданият муассасалари ҳам янгича фаолият юритиб, санъатимиз ривожига хизмат қилувчи асарлар яратилишига ҳисса қўиши талаб этилади. Зеро, асрлар оша ноёб маданияти ва санъати билан дунёни лол қолдириб келатган халқимиз маънавияти ҳеч қачон ўз ўзидан узоқлашмаслиги керак.



Жамшид ЭРҒАШЕВ, «Ishonch»

### Президент ташрифидан сўнг...

лиги боис талаб ҳам шунга яраша. Гўшти ҳам фойдали. Терисидан кўришдан дунё бўйича тимсоҳнинг терисидан кейин иккинчи ўринда туради. Унинг терисидан, асосан, оёқ қийим, аёллар сумкаси ишлаб чиқарилади.

Туяқушнинг афзалликларидан ана бири – унинг ҳеч бир аъзоси чиқитга чиқмайди. Масалан, киприкларидан аёллар учун улама киприклар тайёрланади. Патлари совуқни ҳам, иссиқни ҳам ўтказмаслиги боис улардан кишики уст-бошлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Ички мойи тиббиётда қўлланилади. Туяқушнинг пўчоғи эса табиий кальций ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳар жил сувенирлар ишлаб чиқаришда асқотади. Тирноқлари эса олмосга ишлов беришда ишлатилади.

### ҚўЙ БОҚИШДАН ҲАМ ОСОН

Кўпчилик туяқушчилик билан шуғулланиш учун жой масаласи муаммо дейишади. Аммо бундай эмас. Туяқушларни боқиш учун кўп жой талаб этилмайди. Атрофини металл тўсиқлар билан ҳам ўраш шарт эмас. Оқдиди тол новдаларидан фойдаланса ҳам бўлади. Ун сотиш жойида иккита оиласини боқиш мумкин. Қорамол билан солиштирганда бу анча осон. Туяқушга қираётган пайтда емини бериб турилса бўлди. Еми ҳам жўхори, бугдой каби махсулотлардан иборат. Туяқушлар асосан кўк ўтлар билан озиқланади. Улғайиб, туяқушга қирайдиган пайтда емини биров кучайтиришга тўғри келади.

Лойиҳалар билан танишар экан, Президентимиз инвестицияларга шароитлар яратиш бериш, «Мерсапа» корхонаси тadbиркорлар ва фуқаролар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини кучайтириши зарурлигини қайд этди.

Албатта, мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити тadbиркорларимизни давр билан ҳамнафас бўлишга, янги, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга ундайди.

**Муродилжон МўМИНОВ**, Бош прокураторга хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаши устидан назорат қилиш инспекцияси бошқарма бошлиғи

### Ҳикмат

**Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлгил, Ҳам жонларига мойи дармон бўлгил.**

Алишер НАВОЙИ



Жиззах вилояти

## ҚУШДЕК ХАРАЖАТ БИЛАН ТУЯДЕК ДАРОМАД


Туяқушчиликни ривожлантириш тadbиркорларга шундай имконият беради

Давлатимиз раҳбарининг 30 январь куни Жиззах вилоятига ташрифи давомида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш борасида ҳам топшириқлар берган эди. Ташриф асносида мамлакатимиз раҳбарига туяқуш еттиштириш бўйича комплекс лойиҳа тақдим этилди.

### «MERCANA» БРЕНДИ ОСТИДА

Ушбу лойиҳа Африка давлатларида йирик туяқушчилик корхоналарига эга инвестор билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Инвестициявий қиймати 55 миллиард сўмлик лойиҳа доирасида Дўстлик туманида 5 гектар ҳудудда туяқушлар парваришланади, кўпайтирилади. «Mercana» бренди остида фаолият юритадиган корхонада туяқушлар учун махсус озуқа рацион асосида ем ҳам ишлаб чиқарилади.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад – туяқуш йўналишида наслчилик билан ном қозонган, олий нав туяқушларни Ўзбекистонга олиб келиш, маҳаллий фермерлар билан ҳамкорликда туяқушларни кўпайтириш ҳамда қўшни давлатларга экспорт қилишдир.



Туяқушчилик юртимиз тadbиркорлари учун янги йўналиш. Унинг истиқболли тармоқ эканлигини қуйидаги маълумотларда ҳам аққол кўриш мумкин.

### ЧИДАМДА ТУЯДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Таъкидлаш жоизки, 1 бош туяқушдан 40-45 фоизгача гўшт олинади. 12-14 ойлик туяқушнинг вазни 100-120 килограмми ташкил этади. Ҳар бири бир мавсумда 50-60 тагача туяқуш қўяди.

Туяқуш жуда тез кўпаяди ва касалликларга ўта чидамли, иммунитети юқори. Жониворлар ичида ўзининг тўйганини биладигани фақат туяқушдир. Унинг кўриниши баҳайбат бўлгани билан кунлик озуқаси икки килога тенг. Жўжалари 200 граммдан озуқа ейди.

Улар жуда тез ўсади. Минус 20 даражадан плус 70 даражагача бўлган шароитда бемалол ўсиб-ўлғади. Фақат устидан ёмғир ва қор ўтмаса бўлди, совуққа ҳам, иссиққа ҳам жуда чидамли.

### ТЕРИСИДАН ТИРНОҒИГАЧА ФОЙДАЛИ

Туяқуш туҳуми ва гўштининг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Туҳумида холестерин умуман йўқ. Қанд касали ва қон босими бор беморлар ҳам унинг туҳумини бемалол истеъмол қилиши мумкин. Туяқуш туҳумининг биттаси товуқнинг 35-40 тага туҳумига тўғри келади. Қандолатчиликда ҳам товуқнинг туҳумидан кўра туяқушнинг яхши кўпчилигини



УНУТИЛГАН ҚўРҒОН

## «УНУТИЛГАН» ҚўРҒОН ХОТИРАЛАРИ

ёхуд Лангарга яна ҳаёт қайтишига уйғонаётган умид

«Ishonch» газетасида Нормурод Мусомовнинг «Унутилган қўрғон» мақоласини ўқиб чиққач, хотираларим уйғониб кетди. Хатирчи туманидаги Лангар қишлоғи одамлари, уларнинг қувонч ва ташвишлари бир ижодкор сифатида мени кўпдан бери ўйлантиради.

Болалигимизда бу қишлоққа бориб, катта тасассуротлар билан қайтардик. Геологлар қишлоғида одатдаги кунлар ажойиб бошланарди. Эрталабдан кончилар корхонасига, унинг ёнидаги фабрикага қаторлашиб кетаётган ишчилар, ёшларни кўрардик. Улар орасидаги чиройли қизлар кўзимизга «шаҳарлик» бўлиб кўринган.

Денгиз сатҳидан 2000 метр атрофидаги баланд қишлоқ бағрида қазиб олинган қазилмалар машиналарда Нарпай туманидаги Зирабулоқ қўрғонига ташилиб, поездга ортларди. Зирабулоқдан Лангар тоғига тизилишиб қатнайдиغان бу машиналарни мириқиб томоша қилганмиз. Ҳайдовчининг ўғли бўлганим учун ҳайдовчиликни ҳам орзу қилганим бор ҳақиқат.

Бир пайтлар Лангар қўрғонида ажойиб қишлоқ тарихидан маълумот берувчи яхшигина музей бор эди. Афсуски, ўтган асрнинг охирида кон фаолияти тўхтагач, музей экспонатлари йўқолиб кетди.

Бир неча йиллар аввал Лангар қониди директор бўлиб ишлаган кўшработлик Қўзибой Ирисқулов, археолог-палеонтолог, этнограф ва геолог Жўрақул Йўлдошев, ўзбек геологиясига катта ҳисса қўшган, Нуротанин Чўя қишлоғида туғилиб ўсган Суюн Мўтаев билан суҳбатлашиб, қишлоқ кончилари тарихи билан боғлиқ хотираларни мириқиб тинтлаганман. Бугун умрини тоғ-у тошни кезиб, ишчи-хизматчиларнинг қувонч ва ташвишларига бағишлаган, шундан ортиб, маънавият тарғиботида ҳам ҳисса қўшган бу уч сиймо Лангар қишлоғи одамлари учун азиз инсонлар сифатида тилга олинади. Улар бугун орамизда йўқ.

Собиқ музей ёнидаги ҳайкални ясаган ҳайкалтарош Сафар ака Камолов

Лангар қишлоғида вояга етган ажойиб инсон. Ҳозир Навоий вилоятининг Кармана туманидаги «Нарпай» маҳалласида яшовчи бу инсон билан бундан бир неча йил аввал суҳбатлашиб, кўп хотираларни сўраб билиб олдим. Қизиги шундаки, музей очилишида аввалига ундан геолог образини яратиш талаб қилинади. Аммо Москвадан янги топшириқ келади ва иккинчи жаҳон урушига кетаётган жангчи образи тасвирланган ҳайкал яратишга киришилади. Собиқ геолог образи акс этган ҳайкал ҳозирда ҳам у кишининг уйда сақланапти. Уша суҳбатимизда, бу камтар ҳайкалтарош бошқа асарларини ҳам кўрсатиб, тўғарак очилса, ҳайкалтарошлик санъатини ёшларга ўргатишга бел боғлаётганини айтган эди.

Жорий йилда Лангар қишлоғи «Обод қишлоқ» дастурига киритилди. Энди бу гўшада ҳам катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилиши шубҳасиз. Мен оддий бир қаламқаш сифатида бу қишлоқда қадимий музейнинг тикланишини орзу қиламан.

1935 йилларда бу қишлоққа Оқтоғ ва Қоратўғайлардан одамлар келиб ўрганишади. Лангар қонини кашф қилган

инсон эса ўзбек геологиясининг тамал тошини қўйган буюк сиймо Ҳабиб Абдуллаев эди. Шу боис, қишлоққа қираверинда ушбу буюк геологининг бюсти еки ҳайкали ўрнатилса, ажойиб иш бўларди.

Яна бир масала. Пойтахтимизда бўлиб ўтган матбуот анжуманларининг бирида Геология ва минерал ресурслар бўлимида чет элик инвесторларнинг мавжуд геология конларига жалб этиш юзасидан маълумот берган эди. Тазкидлаш жоизки, мавжуд захирани бугунги инновацион лойиҳалар асосида қазиб олиш мумкин. Катта жамоа бўлмаса-да, янги иш ўринлари ҳам яратилади. Қолаверса, қишлоқ атрофида ажойиб туристик базалар очиб мумкин. Табиат шайдолари баҳор ойларида Лангар табиатидан завқланиб баҳра олади. Тоғ устидаги телеминора ҳамон қўр тўқиб турибди.

Журналист Нормурод Мусомов мақоласида тилга олинган таълим, боғча, уйларнинг эшик-ромлари, жамоат ҳожатхоналари билан боғлиқ муаммоларнинг кўпчилиги молиявий муаммога бориб тақалади. Аммо бугун бошқа қишлоқда одамлар турмуш тарзи ўзгаряпти. Хона-

### Акс-садо

донларда автоуловлар кўпаймоқда, ошхоналар ҳаммиша гавжум. Аҳоли ҳам ҳашир уюштириши, қишлоқ равнақи учун ҳисса қўшмоқчи бўлган саховатпеша ҳомийлар чиқиши турган гап. Хуллас, «Кўпдан кўен қочиб қутулмас».

Юқорида тилга олинган сиймолардан бири Суюн Мўтаев геология соҳасида салмоқли из қолдирган. У кишининг уйда бой архив материаллари сақланиб қолган. Жўрақул Йўлдошев 10 га яқин геология конларининг очилишига ҳисса қўшган. Этнография, археология, геология, палеонтология фанларини чуқур билган, бир неча китоблар муаллифи, Самарқанд вилояти нефть ва газ соҳаси ходимлари касаба уюшмасида кўп йиллар ишлаган ва «Ishonch» газетасининг доимий, фаол муаллифларидан бири бўлган. Қўзибой Ирисқулов мазкур кон раҳбари бўлиб ишлаган ва собиқ музейнинг очилишида бош-қош бўлган.

Эндиги ўтинчимиз шуки, қишлоқ муаллимлари янги авлоднинг баркамол, ҳар жиҳатдан етук тарбияланган. Биз эса янги авлод вакиллари ушбу геологлар ишининг муносиб давомчилари бўлишларини истардик.



Ўлжабой ҚАРШИЕВ, журналист

**Бир одам учун эмас, балки ҳамма одамларнинг фароғатини кўзлаш ҳаммиша муҳим масала бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.**

Л.ТОЛСТОЙ



# Халқ кудратининг мангу илдизлари

41 Ўзбек халқ оғзаки ижодининг фидойи тарғиботчиларидан бири «ALPOMISH-MEDIA» корхонаси раҳбари, моҳир созанда Ўктам Ҳакимовдир. У Маҳмуд Номозов, Ҳосила Раҳимова каби эл суйган санъаткорларнинг репертуарини фольклор кўшиқлари билан бойитишга катта ҳисса қўшган. Бундан ташқари, анча йиллардан буён кўплаб бахшиларнинг ҳали илмий ис-

теъmolга кирмаган дoston, терма ва бошқа айтишувларни ёзиб олиб, тўлаб келмоқда. Томмаънода фидойилик намунаси ҳисобланмиш ушбу хайрли ва машаққатли меҳнатнинг маҳсули бўлмиш «Юрагимнинг жўри бўлган дўмбирам» номли тўплам чоп этилиш арафасида. Таҳририят мазкур ташаббусни кўллаб-қувватлаган ҳолда улардан айрим намуналарни ўқувчиларга тақдим қилишга жазм этди.



## Дўмбирам, сўйла...

Абдуназар бахши Поёнов 1954 йил 20 майда Сурхондарё вилояти Бойсун туманининг Хомкон қишлоғида туғилган. 1984 йилдан бошлаб Хушбоқ бахши Мардоноқулов, сўнгра Чоршанби бахши Раҳматуллаев ва Қодир бахши Раҳимовдан бахшичилик сирларини ўрганди.

Абдуназар бахши 1999-2001-2003 йилларда Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган Бахши – шоирлар кўрик-танловидида фахрли 1-ўрин, 1999-2003 йилги Марказий Осиё республикалари бахши, шоир ва оқинларининг Халқаро кўрик-танловларида 2-ўринни эгаллаган. 1994 йилда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган «Манас» эпосининг минг йиллигига бағишланган

ўтказилган халқаро оқинлар кўрик-танловидида 2-ўринни олишга муяссар бўлган. 2002 йилда Қирғизистонда бўлиб ўтган Халқаро «Ак тандай» оқинлар фестивалида иштирок этган. 2003 йилда Абдуназар бахшига «Ўзбекистон халқ бахшиси» унвони берилган. Унинг ижоди дoston ва термаларга жуда бой. Жумладан, «Гўрўғли», «Авазхон», «Авазхоннинг қайтиши», «Алпомиш», «Олтин қобоқ», «Малла савдогар», «Рустамхон», «Кунтуғмиш», «Маликаи айёр», «Келинойи», «Сулвухон», «Гўрўғлининг туғилиши», «Зарнигор» каби дostonлар, «Келинойи», «Ҳаққова», «Айрилиқ», «Чўпон чертиш» каби дўмбира куйлари ижодидида алоҳида ўринга эга.

Дўмбирам, сўйла тор билан, кушлар учади пор билан. Баланд тоғлар чиройли, бошида ўпқор қор билан. Ҳазиллашманг зўр билан, кўтариб урар жер билан. Икки оғиз терма айттайин, кўлимда кўша тор билан. Дунё сиз-у биз билан, қизиқ кўринар кўз билан. Бир қозоннинг оши толли, бир тоқа оччи туз билан. Яхши инсонлар юради, элида ёруғ юз билан. Кувониб юрсин ҳар одам, орқада ули, қиз билан. Ўтаётир бул дунё, қанча баҳор ёз билан. Икки оғиз терма айттайин, кўлимда сумбул соз билан.

Жигитни сулув кўрсатар, олдида ини-оғаси. Тулпорни сулув кўрсатар, оқ айил қўштан тўғаси. Ризқ-у рўзин қўшган экан, яратган Оллоҳ – эгаси. Доно бўлар одамзод, жигида бўлса тоғаси. Тўнингни сулув кўрсатар, олдида чироз жоғаси. Қирларди сулув кўрсатар очилган гул-у лоласи. Султонни сулув кўрсатар, ўтирган кўрғон – қалъаси. Дехқонни сулув кўрсатар, ҳосилға тўлган даласи. Чўпонни сулув кўрсатар, олдида сурув галаси. Келинди сулув кўрсатар, қўлида суйган боласи.

Баланд- баланд қорли товлар, қор устига қор деб тилар. Жугини ортган савдогар, лўкча билан нор деб тилар. Ками бўлган бир бандалар, худойимга бер деб тилар.

Даврага тушган полвонлар кўш билакка зўр деб тилар. Бўйни узун тулпор отлар, Узоқ-узоқ жўл деб тилар. Уруғин сочган деҳқонлар, ҳосил бўлсин мўл деб тилар. Боғларда учган булбуллар искаб учсам, гул деб тилар. Янги тушган келинчақлар ўнг тиззамга ул деб тилар. Олтмишга борган кампирлар ўйнашмоққа чол деб тилар.

Мард жигитларнинг суйгани, бўйни бир қулоқ от бўлар. Зарбанг бўлса майдонда, душманларнинг мот бўлар. Туйдали бўлса жигитнинг, Уй-рўзғори бут бўлар. Бориш-келиш қилмасанг, қариндошлар ҳам ёт бўлар.

Одирма-одир одирсой, ордона қолган кўйдан сўнг. Олчанлаган бойбича қадринг кетар бойдан сўнг. Шорқираб оққан шўх сувлар, шобиринг кетар сойдан сўнг. Осмондаги юлдузлар, ёруғи кетар ойдан сўнг. Шоқирдаб жотган терилар, жипакдай бўлар ийдан сўнг. Тулпор бўлса асили, пойгада ўзар тойдан сўнг. Билқиллаб қайнаган қозонлар, тўнқарилади тўйдан сўнг. Жомон одам шу бўлар, питган ишингни бузган сўнг. Жомон йигит шу бўлар, ўзининг эли безган сўнг. Кузғинам бургут кўринар, толпиниб қанот ёзган сўнг. Тулпор отлар шул бўлар, катта жийинда ўзган сўнг. Мулла мардум шул бўлар, ола қоғоз чизган сўнг. Бахши дегани шул бўлар, шунча гапларни тузган сўнг.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Қишлоқ аҳолиси ва фуқароларнинг айрим тоифалари учун арзон уй-жойлар қуришни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4028-сонли қарори ижроси юзасидан қишлоқ жойларда аҳолининг кенг қатламларини замонавий ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида:

## «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ»

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдоларини эълон қилади  
№ 2019-09

Тендер савдолари эълон қилинган сана: 2019 йил 12 март  
Тендер таклифларини тақдим этиш учун охириги муддат:  
Эълон чоп этилган санадан 30 кундан сўнг

Қишлоқ жойларда қуриладиган янгиланган намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар типлари.

1-тип: Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар;  
2-тип: 0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган бир қаватли 3 хонали уйлар;

1. Тендер иштирокчилари куйида санаб ўтирилган ҳар бир тендер пакетлари

учун муҳрланган танлов таклифларини киритишлари мумкин.

2. «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИК («Буюртмачи») ҳуқуқий ваколатга эга бўлган тендер иштирокчиларини куйида келтирилган шартномалар асосида янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қурилишини амалга ошириш учун («Қурилиш ишлари») муҳрланган

танлов таклифларини киритишлари таклиф қилади.

3. Тендер савдолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 26 апрелдаги 243-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга мувофиқ ўтказилади.

4. Тендер иштирокчилари

қўшимча маълумот олиш ва тендер ҳужжатлари билан таъминлаш учун Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларига куйида кўрсатилган манзиллар бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Манзил: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй  
Телефон: (0 376) 223-44-73 Факс: (0 376) 223-44-78

5. Тендер ҳужжатларининг нусхасини олиш учун тендер иштирокчилари куйидаги тартибда юқорида кўрсатилган манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

«\_\_\_\_\_вилояти, \_\_\_\_\_тумани, \_\_\_\_\_массивидаги, \_\_\_\_\_лот \_\_\_\_\_та якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши амалга ошириш учун тендер ҳужжатларини беришингизни сўрайман.» шаклида юқоридаги манзилларга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилиш лозим.

Тендер ҳужжатларини эълон берилган кундан бошлаб барча иштирокчилар олишлари мумкин.

Кейинчалик қайтариб берилмайдиган пул тўлови тендер таш-

килотчиларининг – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказларининг тегишли бўлимлари банк ҳисобрақамларига ўтказилиши лозим. Бир тўплам танлов ҳужжатлари учун кейинчалик қайтариб берилмайдиган ЭКИХга тенг.

Банк ҳисобрақами реквизитлари куйида келтирилган:

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Банк: «Ҳамкор банк» АТБнинг Термиз филиали  
ИНН: 202 574 427  
х/р: 2021 0000 504 272 552 001

Тендер ҳужжатлари куйидаги тартибда тақдим этилиши лозим:

Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳудудий консалтинг марказларига.

Таклифларни тақдим этиш сўнги муддатига:

Шартномалар рўйхатида кўрсатиб ўтилган вақтга.

Тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда декларация тақдим этиш.

Тендер таклифларининг очилиши таклифлар тақдим этишининг охириги ку-

нида тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган барча ташкилотлар иштирокида куйида келтирилган манзилда ўтказилади:

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИЯТИ

Манзил: Термиз шаҳри, Тараққиёт кўчаси, 42-уй.  
Телефон: (0 376) 223-44-73 Факс: (0 376) 223-44-78

Қўшимча маълумотлар учун «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ ИКнинг ҳудудий филиалларига мурожаат қилиш мумкин. Тендер савдоларида қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар, қурилиш ташкилотлари куйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

Уй типлари	Бир дона уй (хонадон) учун талаб этилади:				
	Талаб этиладиган йиллик ўртача айланма маблағ (сўм)	Қурилиш малакаси ўхшаш ҳажм ва характердаги шартнома (сўм)	Сўнги бир йил давомида бажарилган ер ишлари ҳажми м³	Сўнги 3 йилда бажарилган бетон ишлари м³	Сўнги 3 йилда қуриб битрилган уйлар майдони м²
0,02 га. ўлчамли ер участкаларида жойлаштирилган бир қаватли 3 хонали уйлар	150 000 000	120 000 000	30	50	120
Тўрт қаватли кўп квартирали (2, 3 хонали) уйлар	2 400 000 000	1 920 000 000	360	600	1440

### ШАРТНОМА (ЛОТ)ЛАР РҲЙХАТИ

Лот №	Ҳудуд	Қишлоқ аҳоли пункти номи	Хонадон сони	кўп қаватли 2-3 хонали уйлар			бир қаватли 3 хонали уйлар (0,02 га.)		Таклифларни топширишнинг охириги муддати
				сони	хонадон	уй рақами	сони	уй рақами	
Сурхондарё вилояти									
523	Сариосиё	А.Навоий	8				8	1-8.	2019 йил 11 апрель 11:00
524	Сариосиё	А.Навоий	8				8	9-16.	2019 йил 11 апрель 11:00
525	Сариосиё	А.Навоий	8				8	17-24.	2019 йил 11 апрель 11:00
526	Сариосиё	А.Навоий	8				8	25-32.	2019 йил 11 апрель 11:00
527	Сариосиё	А.Навоий	8				8	33-40.	2019 йил 11 апрель 11:00
528	Сариосиё	А.Навоий	8				8	41-48.	2019 йил 11 апрель 11:00
529	Сариосиё	А.Навоий	8				8	49-56.	2019 йил 11 апрель 11:30
530	Сариосиё	А.Навоий	6				6	57-62.	2019 йил 11 апрель 11:30
531	Сариосиё	А.Навоий	10				10	63-72.	2019 йил 11 апрель 11:30
532	Сариосиё	А.Навоий	9				9	73-81.	2019 йил 11 апрель 11:30
533	Сариосиё	А.Навоий	4				4	82-85.	2019 йил 11 апрель 11:30

### «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси маълум қилади:

«Ishonch» газетасининг 2019 йил 26 январдаги №15-16 (4145) сонидида «Қишлоқ қурилиш инвест» МЧЖ инжиниринг компанияси томонидан берилган эълондаги (2019 йилда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилиши учун пудрат ташкилотларини танлаш юзасидан тендер савдолари № 2019-03) Сурхондарё вилоятидаги: Лот № 283 Сариосиё «Сангардак» 8 та уй, Лот № 284 Сариосиё «Сангар-

дак» 8 та уй, Лот №285 Сариосиё «Сангардак» 8 та уй, Лот №286 Сариосиё «Сангардак» 8 та уй, Лот №287 Сариосиё «Сангардак» 8 та уй, Лот №288 Сариосиё «Сангардак» 8 та уй, Лот №289 Сариосиё «Сангардак» 8 та уй, Лот №290 Сариосиё «Сангардак» 6 та уй, Лот №291 Сариосиё «Сангардак» 10 та уй, Лот №292 Сариосиё «Сангардак» 9 та уй, Лот №293 Сариосиё «Сангардак» 4 та уй объеклари бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Олмасор туманида жойлашган Оқунбоев номидаги Республика тиббиёт билим юрти томонидан «Фармация» мутахассислиги бўйича 2003 йилда Юлдашев Бунёд Абдушукурович номига берилган ТНФ132289 рақамли (Рўйхат рақами:176) дипломи йўқолиши сабаби бекор қилинади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати ва касба уюшма қўмитаси университетининг Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назариси ва амалиёти кафедраси профессори Собитхон НОСИРҲАЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардик билдиради.

